



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 6 АВГУСТ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 154 (12.465)

Баҳоси эркин нарҳда

МУСТАҚИЛЛИК • INDEPENDENCE • НЕЗАВИСИМОСТЬ
22
O'ZBEKISTON

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Маҳаллалар қадим-қадимдан эзгулик бешиги, тарбия ўчоғи, миллий удумлар, урф-одат, анъаналар шаклланиш маскан ҳисобланган. Маҳалла институти мустақиллик йилларида ноёб ижтимоий тузилма сифатида шаклланиб, «Халқ виждони» деган юксак таърифа эга бўлди.

Танловлар



МАҲАЛЛА НУФУЗИ ОШИБ БОРМОҚДА

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, барча жабҳаларда бўлгани каби маҳалла тизимининг ҳам янги истиқболига йўл очилди. Бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш тизимининг мавқеи янада мустақамланди, маҳалланинг янги-янги имконияти ва қирралари очилиб, элу юрт ривожини йўлга ҳизмат қилмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда анъанавий тарзда ҳар йили «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» республика кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Мазкур танлов фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, уларда истиқомат қиладиган аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш ҳамда маҳаллалар тарғиб-тарғиб турли соҳаларини қамраб олган ҳолда уларни комплекс ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, рағбатлантириш, муносиб тақдирлаш ҳамда бу борадаги илғор тажрибани оммалаштириш мақсадида ташкил этилмоқда.

Кеча «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтди.

Тадбирда танловнинг шаҳар ташкилий кўмитаси аъзолари, шаҳар ҳокимлигининг масъул ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари, шунингдек, пойтахтимиздаги маҳаллалар фаоллари, ОАВ ходимлари иштирок этди. Шаҳар босқичида туманларда ғолиб чиққан 11 та фуқаролар йиғинлари 3 та шарт асосида ўзаро беллашди.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси А.Аҳмедов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш.Турдиқулов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда маҳаллаларнинг мавқеини юксалтириш, имконияти ва ваколатларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» республика

кўрик-танлови ҳам ана шу мақсадга хизмат қилаётди.

— Бугунги кунда шаҳримизда 476 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида фаолият кўрсатаётган фаоллар миллий ва умуминсоний қадриятлар — дўстона қўшничилик ва ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ёрдамга муҳтож одамларга ғамхўрлик қилиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби эзгу мақсадларга эришиш йўлида самарали хизмат қилиб келмоқда, — дейди Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлим бошқаруви бош мутахассиси Навруз Мусаев. — Бу йилги танлов алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йил 21 февралда тасдиқланган «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Дастур ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди. Жорий йилнинг 20 июнидан 5 июлига қадар танловнинг туман босқичлари ўтказилди, унда шаҳар бўйича 452 та фуқаролар йиғини қатнашди.

(Давоми 2-бетда)

Яқинда Брюссель Савдо-саноат палатасида Ўзбекистон ва Бельгия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожланишининг истиқболлари ва мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор соҳаларига хорижий сармояларни жалб этиш масалаларига бағишланган «Ўзбекистон — Бельгия» бизнес-семинари бўлиб ўтди.

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Тадбирда Брюссель минтақаси ишбилармон доиралари, Валлония Ташқи савдо ва инвестициялар агентлиги, Фламанд Инвестиция ва савдо агентлиги, «Агория» Бельгия саноат корхоналари уюшмаси вакиллари ҳамда Э.Ғаниев бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигининг делегацияси қатнашди.

Семинар чоғида унинг иштирокчилари эътиборига мамлакатимизни 2012 йилда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ҳамда 2013 йилга мўлжалланган устувор вазибалар, иқтисодиётни диверсификациялаш ва хорижий сармоядорлар учун қулай муҳитни яратиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги батафсил маълумотлар ҳавола этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Брюссель Савдо-саноат палатасининг раиси О. Виллокс бизнес-семинарда Бельгия ишбилармон доираларининг вакиллари қатнашаётгани уларнинг Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканликларида далолат беришини таъкидлади. Юртимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни юқори баҳолаб экан, О.Виллокс Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори макротиқсодий кўрсаткичлари ва иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини алоҳида эътироф этди. Унинг айтишича, ялпи ички маҳсулотнинг 8 фоиздан юқори ўсиш кўрсаткичлари Бельгиянинг етакчи компаниялари учун айнан Ўзбекистонни истиқболли сармоявий шерик сифатида танлашга асос бўладиган муҳим омилдир.

Тадбир давомида бельгиялик тадбиркорларга республикада ҳамкорликда амалга оширилаётган истиқболли сармоявий лойиҳалар тўғрисидаги ахборотлар ҳам тақдим этилди. Ўзбекистоннинг замонавий технология ва ускуналарни жалб қилишдан, юқори қўшимча қийматли ва экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш сингари йўналишларни қамраб олувчи савдо-иқтисодий ҳамкорликдан манфаатдор эканлиги таъкидланди.

«Навоий» эркин индустриал иқтисодий ҳудуди, «Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал зоналари, мазкур ҳудудларда саноатнинг барча соҳаларида тўлиқ ишлаб чиқариш қамровини ўз ичига олган мажмуаларни барпо қилиш учун яратилган ишлаб чиқариш, транспорт, инфратузилмалар шарт-шароитлар, бу ерда рўйхатга олинган хорижий сармоядорлар учун яратилган беқиёс имтиёзлар ҳақидаги батафсил маълумотлар тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. «Навоий» интермодал логистика марказининг фаолияти ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича унинг имкониятлари ҳам бельгиялик ишбилармонларнинг диққат марказида бўлди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси томонидан Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши билан ҳамкорликда «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш — ички талабни таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини оширишнинг самарали чораси» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

● Термиз шаҳрида мамлакатимизда балиқчилик соҳасини ривожлантиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти томонидан ташкил этилган тадбирда балиқчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

● Сирдарё вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти томонидан мактабларда ўтиладиган чет тили дарсларини интернет тармоғи орқали масофадан туриб кузатиш ва таҳлил қилиш жорий этилди. Вақт ва маблағни тежаш, педагогга тўлақонли дарс ўтиш имкониятини яратадиган ушбу янгилик вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда мазкур институт ҳамкорлигида амалга оширилди.

● Андижонда «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Андижон вилояти ҳокимлиги ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан ўтказилган ушбу танловда туман ва шаҳар босқичларида муваффақиятли иштирок этган 17 фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи белгиланган шартлар бўйича ғолиблик учун ўзаро баҳс олиб борди.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг Луизиана штатида кимёвий моддалар ортлган юк поезде издан чиқиб кетди. Ҳалокат натижасида 76 та вагондан 26 таси кулаб тушган. Маълумотларга қараганда шикастланган цистерналардан атрофга кимёвий моддалар тарқалган. Темирйўл ҳалокати натижасида ҳаётдан кўз юмганлар ва жароҳатланганлар ҳақида маълумот йўқ.

● Американинг қимматбаҳо буюмлар изловчилари Ирландия қирғоқлари атрофидаги денгиз тубидан умумий қиймати 35 миллион долларлик қумуш металл қуймаларини топишди. Улар 1941 йилда сувга гарқ бўлган «Герсоппа» кемасига ортлган қумушлар эди. Ҳозирда сув ости роботлари ёрдамида қимматбаҳо юкни денгиз тубидан кўтариш ишлари бошланди. Хазинанинг бешдан бир қисмини Британия ҳукумати олади, қолгани эса уни топганларда қолади.

● Археологлар Шотландиянинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган Абердин графлигида жаҳондаги энг қадимий тақвимни топишга муваффақ бўлишди. Олимларнинг фикрича, уни қадимий овчилар бундан ўн минг йил муқаддам тузганлар. Шундай қилиб, ушбу календарнинг Месопотамиядан топилган ва ҳозирги кунгача энг қадимий деб ҳисобланиб келаётган тақвимдан минг йил олдин яратилганлиги ойдинлашди.

ДИҚҚАТ, КЎРИК-ТАНЛОВ: «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ КИТОБИ»

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги 2013 йил август-октябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб республика нашриётларининг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш, ноширлик маданияти ва нашриётларнинг ижодий салоҳиятини юксалтириш, соҳада эришилган ютуқларни кенг оммалаштириш, ноширлар, муҳаррирлар ва техник муҳаррирлар, муҳасхих, рассом-дизайнерлар, матбаачиларни рағбатлантириш, аҳолининг барча қатлами, хусусан, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Йилнинг энг яхши китоби» V Республика кўрик-танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилишини эълон қилади:

1. «Ижтимоий-сиёсий адабиёт»;
2. «Ватан тарихи»;
3. «Ўзбек ва жаҳон мумтоз адабиёти»;
4. «Болалар ва ўсмирлар адабиёти»;
5. «АРТ китоби».

Танловга қўйилган наشرларнинг қуйидаги жиҳатлари ҳисобга олинади:

- маъно-мазмун, илмий-маърифий жиҳатдан тайёрланиш даражаси;

- тахририй-ноширлик даражаси;
 - дизайннинг оригинал ечими ва бадиий ечимларининг мазмунига, ўқувчилар доирасига ҳамда китоб мақсадларига мувофиқлиги;
 - матбаа ижросининг сифати;
 - нашрнинг оммабоплиги ва ижтимоий аҳамияти.
- Нашриётлар ушбу кўрик-танловда ҳар бир номинация бўйича бирданга бир неча номдаги китоб маҳсулотлари билан иштирок этишлари мумкин.
- Кўрик-танловга тақдим этилаётган наشرлар 2013 йилнинг 20 октябрга қадар қабул қилинади.
- Танлов ғолиблари ташкилий кўмита томонидан 2013 йил ноябрь ойида бўлиб ўтадиган «Ўзбекистон матбуоти» III Миллий кўргазмаси тадбирлари доирасида мукофотланиб, уларга танловнинг махсус дипломлари тантанали равишда топширилади.
- Кўрик-танловга тақдим этилаётган китоблар бир нусхадан қуйидаги манзил бўйича: Тошкент-100129, Навоий кўчаси, 30-уй, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига юборилсин.
- Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 244-12-61, 244-31-85.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Юнусобод туманидаги «Бободехқон» маҳалласида ёшлар иштирокида «Муста-

қиллик — бу ҳуқуқдор» мавзуда маънавий-ҳуқуқий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** «Қамолот» ЁИХ Чилонзор туман Кенгашида туманда жойлашган корхона ва ташкилотлардаги ҳаракатнинг

бошланғич ташкилот етакчилари ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Машинасозлар» маҳалла-

сида мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб ўтказилган адабий кеча ва байрам дастурида «Тенгдош» маданият уйи бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирок этди.



Тадбирлар

ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР
САРҲИСОБИ

Санокли кунлардан сўнг Энг улуг, энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллиги кенг нишонланади.

Барча соҳалар вакиллари байрамни муносиб совғалар билан кутиб олиш тарафдориди. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида бўлиб ўтаётган байрам шодиёналарини кўриб, кўзингиз қувнайди.

Шундай маданий-маърифий байрам тадбирларидан бири «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий сўғурта компаниясида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Юнусов бундан ташқари маънавият тарғибот маркази туман бўлими, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар

уюшмаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Ўзбекистон Миллий академик драма театри ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, Ўзбек Миллий академик драма театри актери, Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимова, Ўзбекистон тарихи давлат музейи раҳбари, тарих фанлари доктори Жаннат Исмоилова ва бошқалар истиқлолимизнинг қутлуғ йигирма икки йиллиги арафасида халқимиз, миллатимиз тақдиридаги энг ёрқин дамлари, ўтган йиллар залворини сарҳисоб қилишдек чексиз гуруҳ ҳар биримизга завқ-шавқ бағишлаши ҳақида фикр юритдилар.

— Республикаимизнинг ҳар бир гўшасида мустақиллигимизнинг 22 йиллиги бағишланган тадбирлар кўтаринки руҳда ўтмоқда, — дейди Ўзбекистон тарихи давлат музейи раҳбари Жаннат Исмоилова. — Ташкилотлар, муассасалар таълим тизими ва маҳаллаларда фан ва маданият арбоблари, шоир ва санъаткорлар мустақилликнинг мазмун-моҳияти тўғрисида қизиқарли суҳбатлар ўтказиб келишмоқда. Бугунги тадбирнинг ҳам маънавий, ҳам маърифий томондан аҳамияти каттадир. Зеро, ўтган 22 йил давомида юртимиз эришган ютуқлар қўлғидан уни санаб ҳам, сарҳисоб ҳам қилиб бўлмайди. Ҳар бирининг ўзига хос ўрни ва самарали натижалари бор.

Эришган ютуқларимизга боқиб туриб, тарихга назар солмасдан иложимиз йўқ. Чунки биз бу кунларга осонликча эришмадик. Ота-боболаримиз Мустақилликни орозу қилиб яшаган. Шундай экан, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асрашимиз лозим.

Тадбир сўнгида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови иштирокчиси Эъзоза Маҳмудова ва М.Турғунбоева номидagi маданият уйининг санъаткорлари ижросидаги куй-қўшиқлар барчага мазкур бўлди.

Зарина РУСТАМОВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

МАҲАЛЛА НУФУЗИ
ОШИБ БОРМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Танлов муносабати билан фуқаролар йиғинларида оливаий бизнес асосида фаолият юритаётган ҳунармандлар тайёрлаган маҳсулотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини акс эттирувчи фотоальбомлар, маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш бўйича амалга оширилган ишларга доир кўрсаткичлар, йиғинлар ҳаётини акс эттирувчи стендлар кўргазмаси ташкил этилди.

Қизгин тарзда ўтган танлов иштирокчиларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти ва қўндалик ҳаётига оид саволларга берган жавоблари ҳамда фикр-мулоҳазалари таширф буюрганлар эътиборини тортиди.

— «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови намунали тарзда ўтди, — дейди танлов ҳолиби Олмасор туманидаги «Аҳил» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдулолиқ Ваҳобов. — Қувонарлиси, намунали маҳаллаларимиз сони кўндал-кўнга ошиб бормоқда. Маҳаллаларда қилиниши лозим бўлган ишлар талаб ошган сари фуқаролар йиғини томонидан унумли равишда бажарилмоқда. Худудимизда яшайдиган тадбиркор ҳомийлар

ёрдамида маҳалламиз равнақи, аҳолиимизнинг фаровон турмуши учун ўтган бир йил давомида 250 миллион сўм маблағ сарфладик. Ҳомийлар кўмагида етти минг беш юз квадрат метр ерни асфальт қилдик. Демак, маҳаллада бир ёқдан бош чиқарган ҳолда ҳар бир ишни қилиш мумкин. Бежизга — Юртбошимиз «Маҳалланг — отанг-онанг» деб айтмаганлар. Маҳалла ўзининг муаммоларини ўзи ҳал қила оларкан, мана шунга эришилганда маҳалла фуқаролар йиғинига бўлган ишонч янада ортади.

Шундай қилиб биринчи ўрин соҳиби танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Шайхонтоҳур туманидаги «Шофайзи» маҳалла фуқаролар йиғини II ўрини эгаллаган бўлса, III ўрин «Беҳзор» маҳалла фуқаролар йиғинига насиб этди.

Эл севган санъаткорларнинг чиқишлари, улар ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлари танловга байрамонга шуқуқ бағишлади.

Кўтаринки руҳда ва қизиқарли тарзда ўтган танлов сўнгида ҳолиблар ва номинациялар совриндорлари диплом, факрий ёрлиғ ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруvinинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Зиёда РАСУЛОВА

2013 йил — Обод турмуш йили

ҲАР ТОМЧИСИ ҲИСОБЛИ ВА ҚАДРЛИ

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси доирасида халқимиз учун муносиб ижтимоий-маиший шароит яратиш, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Буни Тошкент шаҳрида коммунал хўжалик тизими ва санитария ҳолатини янада яхшилаш борасида бажарилаётган изчил ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Маҳалла ва кўчалар ободонлаштирилиб, коммунал тармоқлар фаолияти тақомиллаштирилмоқда.

«Сувсоз» давлат унитар корхонаси пойтахтимиз аҳолисига ҳар кун 2 миллион кубометрдан зиёд сифатли ичимлик суви етказиб беради. Корхона таркибидagi етти иншоотда ичимлик суви тизимлари ва оқова сувлари қайта ишланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 февралда қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг суви таъминоти тизимини тақомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори тармоқ имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Лойиҳага мувофиқ Европа тараққиёт ва тиклаш банки билан ҳамкорликда корхонада 10 миллион АҚШ доллари миқдоридagi йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Қодирб, Бўзсув ҳамда Қибрай суви иншоотларидаги эскирган насос ва электр ускуналари ўрнига замонавий, энергиятежамкор қурилмалар ўрнатилиб, технологик жараёнлар автоматлаштирилди. Бунинг самарасида технологиялардан фойдаланиш имконияти ошириб, истеъмолчиларни суви билан улуғсиз таъминлаш ва нархларни бир меъёрга сақлашга эришилмоқда. Шунингдек, электр энергияси сарфи камайиб, ҳар йили ўртача 42 миллион кВт/соат электр қуввати тежалмоқда.

— Аҳолига суви етказиб бериш миқдори фаслларга қараб ўзгариб туради, — дейди корхона

бош муҳандиси Баҳром Маннонов. — Масалан, ёз ойларида суви истеъмоли кўпаяди. Ичимлик сувини тизимлаш ва етказиб бериш уч босқичда амалга оширилади. Бўзсув каналдан олинган суви махсус реагентлар ёрдамида тиндирилади ва насослар орқали филтёрлаш станциясига узатилади. Бу ерда тизимланган суви махсус ҳавза орқали истеъмолчиларга етказилади. Сувнинг сифати шаҳардаги икки юздан ортди объект — мактаб, богча, кинотеатр, маданият ва истироҳат боғларидан олинган намуналар орқали махсус лабораторияда текширилиб, доимий назорат қилиб борилади.

Илгари суви зарарсизлантириш учун су-ультратилган хлордан (Cl2) фойдаланилар эди. Лекин хлорни ишлатиш бир қатор қийинчиликлар туғдиради. Шу боис бугунги кунда «Сувсоз» давлат унитар корхонаси суви иншоотларида гипохлорит натрий ишлаб чиқариш цехлари босқичма-босқич ишга туширилмоқда.

Корхонада тармоқлардаги носозликларни аниқлайдиган замонавий ускуналардан кенг фойдаланилмоқда. Назорат жойларида суви босимини бошқариб турувчи ускуналар ўрнатилди. Бу ичимлик сувини тежалаш ва суви иншоотларининг барқарор ишлашини таъминлашга хизмат қилмоқда. Иш унумдорлиги ва тезкорлик ошириб, ёқилги-мойлаш маҳсулотлари сарфи камаймоқда.

Айни вақтда «Сувсоз» давлат унитар корхонасида янги технологияларни амалиётга тадбиқ этиш жараёни изчил давом эттирилмоқда. Жорий йилда 22 эскирган насос қурилмалари «Грундфос» компаниясининг замонавий, энер-

гиятежамкор насосларига алмаштирилди.

Корхонанинг истиқболли лойиҳаларидан яна бири Тошкент шаҳри канализация тизимини тақомиллаштиришдир. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 16 декабрда қабул қилинган Ислом тараққиёт банки иштирокида «Тошкент шаҳри канализация тизимини тақомиллаштириш» лойиҳасини амалга оширишга оид Қарорига мувофиқ бу борада изчил ишлар олиб боришмоқда.

2010-2014 йилларга мўлжалланган умумий қиймати 38,84 миллион АҚШ доллари бўлган ушбу лойиҳага Ислом тараққиёт банкнинг 35,37 миллион доллар миқдоридagi кредит маблағи жалб этилган. Мазкур лойиҳа доирасида Салор, Бўзсув ва Бектемир оқова суви тизимини иншоотларини реконструкция қилиш, 7,5 километр узунлиқдаги оқова сувлар коллекторини қуриш, кимё лабораторияси учун махсус техника ва механизмлар харид қилиш кўзда тутилган.

Тизимда аҳолига хизмат кўрсатиш ва тўловларни амалга оширишда қўлайликлар яратиш мақсадида биллинг тизими жорий этилди. Бу фойдаланилган суви учун тўловларни йиғиш тизимини замонавийлаштириш ва суви таъминоти тармоқларига ноконуний уланлишларни қарши кураш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди. Автоматлаштирилган тизимда ҳар бир истеъмолчи ҳақида, яъни унинг манзили, шахсий хисобрақами, суви ҳисоблагичи ва унинг кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар сақланади. Бундай ахборотни нафақат «Сувсоз» корхонаси бўлимларидан, балки «Ипотека банк» филиалларидан ҳам олиш ва шу жойнинг ўзидa тўловларни амалга ошириш мумкин.

Суви — ҳаёт манбаи. Унинг сероблиги ва сифати истеъмолчиларнинг тўлов маданиятига, тежамкорлигига ҳам боғлиқ. Шундай экан, сувининг қадрига етиб, ундan оқилона фойдаланиш ҳаётимиз сифати, турмушимиз ободлигини янада оширади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА шарҳловчиси

Ўзбекистондаги йирик алоқа оператори «Билайн» («Unitel» МЧЖ ва «Buzton» ҚҚ) пойтахтимиздаги Амир Темур ва Аҳмад Дониш кўчалари чорраҳасида ўзининг янги дилерлик салонини очди.

«БИЛАЙН» ЯНГИ
ДИЛЕРЛИК
САЛОНИНИ ОЧДИ

«Unitel» МЧЖнинг тижорат ишлари бўйича директори Дмитрий Григорьев бу ҳақда шундай деди: «Бизнинг компаниямиз учун биринчи ўринда доим хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш масаласига эътибор қаратилади. Бироқ савдо тармоғини ривожлантирмасдан туриб бунга эришиб бўлмайди. Бунинг учун «Билайн» алоқа оператори офисларининг ҳар бир аҳоли пунктида мижозларга яқин ва қўлай бўлишини таъминлаш керак. Биз бу салонлардаги хизмат сифатининг фуқаролар талаби даражасида бўлиши учун барча чора-тадбирларни амалга ошираемиз. Ишончим комилки, Юнусов бундан оқилон очилган офисда ҳам абонентлар учун барча шарт-шароитлар етарли бўлади».

«Туркистон-пресс»

САВДО-ИҚТИСОДИЙ
ВА САРМОЯВИЙ
ҲАМКОРЛИК
МАСАЛАЛАРИГА
БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбир доирасида нефть-газ ва энергетика соҳаларидаги сармоявий ҳамкорликнинг истиқболларига бағишлаб ўтказилган тақдирот чоғида семинар қатнашчилари Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик тараққиётининг афзалликлари ҳақидаги маълумотлар билан яқиндан танишганлари баробарида кимё, қурилиш, озиқ-овқат ва автомобилсозлик саноати, электротехника ва электроника, ахборот технологиялари ва бошқа жабҳаларда икки томонлама алоқаларнинг истиқболлари юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашдилар.

Бельгиянинг «Picanol» ва «Intellisol» компаниялари вакиллари Ўзбекистонда амалий шерикликни чуқурлаштириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиб берилганлигини таъкидлашди. Улар Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорлик юзасидан орттирган ижобий тажрибаларини ўртоқлашар эканлар, келажақда ўзаро алоқаларни янада жадаллаштиришга тайёр эканликларини маълум қилишди.

Хусусан, «Intellisol» компаниясининг раҳбарлари Х. Дениелс ва Р. Кох Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотларга ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишига юқори баҳо бердилар. Улар Ўзбекистоннинг жадал ривожланиш суръатлари Бельгиянинг етакчи компаниялари учун мамлакатимиз бозоридagi фаворитлиги янада ошириш учун шарт-шароит яратишни қайд этдилар.

«Жаҳон» ахборот агентлигининг мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида «Нореско» компаниясининг ижрочи директори Н. Рамондетти ушбу бизнес-семинар унинг қатнашчиларига иқтисодиётнинг турли жабҳаларида Ўзбекистон салоҳияти ҳамда мамлакатимизда шаклланган сармоявий муҳит билан яқиндан танишиш учун ажойиб имконият яратганини таъкидлади.

Н. Рамондеттининг фикр билдиришича, меҳмонхона бизнеси, қорвачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш сингари тармоқларда фаолият курсатадиган бельгиялик ишбилармонларга мамлакатимиз билан сармоявий ҳамкорлик учун улкан истиқболлар мавжуддир. «Ҳар икки томон яқдил мақсадларга эга эканлиги эса ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўз навбатида, «Flarus» компаниясининг ижрочи директори Э. Верелст ҳам республика-мизда мавжуд бўлган қўлай сармоявий муҳит хорижий шерикларда катта қизиқиш уйғотаётган асосий омил эканлигини таъкидлади. «Иқтисодиётга жалб қилинаётган маблағлар ҳажмининг барқарор ўсиши Ўзбекистоннинг чет эллик сармоядорлар учун амалий ҳамкор сифатидаги мақомини янада мустаҳкамлайди», деди у.

«Жаҳон» АА
Брюссель

Миробод туман ҳокимлигида
ЖАМОАТ ИШЛАРИ
РЎЙХАТИ ТАСДИҚЛАНДИ

Миробод тумани ҳокимлиги томонидан жорий йилнинг 31 июлида «Миробод туманида 2013 йилда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги 1-4/258- сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга асосан туманда 2013 йил учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати тасдиқланди.

Шунингдек, туман ҳокимлиги қарорида ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарларига шундай жамоат ишларининг ташкил этилишини таъминлаш, жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга қўмаклашиш давлат жамағармаси маблағлари ҳисобидан, бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан, 25 фоизи эса иш билан таъминлашга қўмаклашиш давлат жамағармаси ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларнинг жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот уч кунлик муддатда марказга ёзма равишда хабар қилиниши белгиланди.

Қарорнинг тўлиқ матни билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ
ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган вақтларидан бошлаб, давлатимиз томонидан мамлакатимизни ахборотлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил февраль ойидаги миллий тармоқни яратиш ва дунё ахборот тармоқларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисидаги, шунингдек, 2002 йил июнь ойида қабул қилинган «Компьютерлаштириш янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарорлари фикримиз далилидир.

Шу муносабат билан республикамизнинг қатор таълим муассасаларининг техника базаси, жумладан, компьютер техникасининг янги авлоди билан жиҳозланиши, шунингдек, уларнинг интернет тармоғига уланиши, электрон алоқалар билан таъминланишига эътибор янада кўчайди.

Бугунги кунда ахборот технологиялари низоҳатида ривожланган бир даврда бутун дунё мамлакатларини асосан компьютер жиянатчилиги муаммоси хавотирга солмоқда.

Компьютер жиянатчилиги ҳозирги кунда глобал муаммолардан бирига айланиб бормоқда ва бутун дунё мамлакатлари ўз ахборотлари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширишмоқдалар. БМТ

доирасида мунтазам равишда ушбу жиянатчиликка қарши курашининг самарали йўллари излаб топиш чоралари қўрилмоқда. Бундан кўраиначики, кибер жиянатчилик нафақат бир давлат, балки халқаро миқёсдаги муаммо ҳисобланади.

Ахборот технологиялари соҳасида содир этиладиган жиянатчиликнинг ижтимоий хавфлиги шундайча, улар чегара билмайди. Жияний ишлар масалалари бўйича БМТ департаментининг маълумотларига кўра, ушган жиянатчилик орқали ушбу турдаги жиянатларни содир этувчи шахслар ҳар йили бир триллион АҚШ доллари миқдоридa соф фойда олади.

Ахборот технологияларидан жияний мақсадларда фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган бир қатор халқаро ҳужжатлар мавжуд бўлиб, улар орасида Окинава «Глобал ахборот жиянатчи Хартия»си жаҳон ҳамжиянатининг хавфсиз ва жиянатдан халқ бўлган кибернетик муҳит яратишда ҳамжихатлиқда ҳаракат қилишни назарда тутди. Европа Иттифоқига аъзо давлатлар томонидан 2001 йил 23 ноябрда имзоланган «Кибернетик жиянатчилик тўғрисида»ги Конвенция компьютер ахборотлари ва тизимлари билан боғлиқ бўлган жияний ҳуқуқбузарликларни таъбиқ этишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, 2004 йил 1 июлдан қўлга кирган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш эркинлиги кафолатлари алоҳида мустаҳкамлаб қўйилган. Бинобарин, қўли фуқаролик жиянатчи ва ҳуқуқий-демократик давлат қуриш йўлидан илдам одимлаётган мамлакатимизда компьютер технологиялари орқали содир этиладиган жиянатларнинг олдини олиш ва фуқароларнинг ахборот олиш эркинлигини беамалол амалга оширишларига эришиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Жумладан, 2007 йил 27 сентябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қўнғуна хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик қўйиберишнинг муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонун қабул қилинди, 2007 йил 30 ноябрда Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида маъқулланди ҳамда 2007 йил 26 декабрда расман эълон қилиниб, шу кундан эътиборан қўнғуна кирди.

Ушбу қўнғунага биноан, амалдаги Жиянат кодексидан «Ахборотлаштириш қондаларини бузиш» деб номланган 174-модда қилиб ташланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиянат кодексига «Ахборот технологиялари соҳасидаги жиянатлар» деб номланган алоҳида боб қўшилди. Ушбу бобда қатор жиянатлар учун жияний жавобгарлик назарда тутилган. Ахборотлаштириш қондаларини бузиш, компьютер ахборотидан қўнғуна хилоф равишда (руксатсиз) фойдаланиш, компьютер тизимидан ноконуний фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини қўлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш, компьютер ахборотини модификациялаштириш, зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда амалга оширилган ушбу ислохотлар ахборот технологиялари соҳасидаги жиянатчиликнинг олдини олиш, унга қарши аниқ чора-тадбирлар асосида курашиш, шунингдек, жиянатчи ахборот технологияларидан жияний мақсадларда фойдаланишдан самарали ҳимоя қилиш муаммосини ҳал этиш ва ахборотлаштириш соҳасини муҳофаза қилишни таъминлаш имконини беради.

Рэно ХУРРАМОВА,
ТДЮИ катта ўқитувчиси, техника фанлари номзоди
Садоқат САМИЕВА, ТДЮИ магистранти



АСР ПОЁНИДАГИ ОДИМЛАР (2000 йил)

2000 йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди. Мантиқан бу «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили» ва «Аёллар йили»нинг узвий давоми эди. 15 февралда шу йил йўналишига оид тадбирларни ўз ичига олган Давлат дастури қабул қилинди ва йил давомида у изчил амалга оширилди.

Шу Давлат дастури доирасида ўша йили чоп этилган «Соғлом авлод – бизнинг келажагимиз» тўпламидан таниқли каламашларимиз томонидан ёзилган соғлом авлод тарбияси билан алоқадор пухта мазмунли, тахлил ва далилларга бой мақолалар ўрин олди. Шу тариқа ўша йили соғлом авлодни тарбиялаш мамлакатимизда давлат сиёсатининг узвий таркибий қисмини ташкил этишини ҳамма англаб етди.

13 январда Тошкент шаҳрида «Ижод дунёси» нашриёт уйи ташкил этилди.

28 январда Тошкент давлат университетига Ўзбекистон миллий университети мақоми берилди. Ўрта Осиёда биринчи замонавий типдаги бу университет тарихи шўро сиёсатчилиги томонидан сунъийлаштирилган, гўёки у 1920 йили «халқлар доҳийси»нинг декрети билан Тошкентга шу университетга ишлаш учун юборилган олим-муаллимларининг кучи билан очилгандек қилиб кўрсатилган эди. Амалда эса бу университет Мунавварқори Абдурашидов ва бошқа миллий маърифатпарвар зиёлиларимиз ташаббуси билан 1918 йили ташкил этилган. 30 январь куни Ўзбекистон миллий университети маданият саройида шу воқеага бағишланган йилги бўлиб ўтди.

2000 йилнинг бошида Сурхондарё вилоятидаги Сарийосиё ва Ўзун туманларининг Тожикистон билан чегара ерларида, Тошкент вилоятининг Қозоғистон билан чегарадош Янгиобод қишлоғида содир этилган террористик ҳаракатларга қарши Ватан ҳимояси йўлидаги курашда айрим аскарларимиз жон фидо этди.

«Маънавият» нашриёти юрт ҳимояси йўлида ширин жонидан кечган бу мард ўғлонлар ҳақида «Ватан фидойилари» рисоласини чоп этди. Бу китобчага Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мана бу сўзлари эпиграф қилиб келтирилган: «**Бу ботир ўғлонларимизнинг номлари барчамиз учун мардлик ва жасорат, фахру гурур тисмоли бўлиб қолади. Уларнинг сўнмас хотираси халқимиз ёдидан ҳеч қачон чиқмайди.**»

Рост, инсон икки нарсани – Ватани ва ота-онани танлаш ҳуқуқига эга эмас. Муайян Ватан ва халққа мансублик эса кишига умр бўйи масъулият юклаб бораверади. Бу иккисини ҳар қандай ёвуз кучдан ҳимоя қилиш – шу Ватан фарзанди, шу халқ вақили бўлган ҳар бир фарзанд учун муқаддас бурч, шарафли вазифа. Бунинг бугун ўзини, Ўзбекистонликман, деган ҳар бир фуқаро билиши, ёдда тутиши, ўзини шунга масъул ҳисоблаши керак. Шундай экан, мустақиллигимизни асраб-авайлаш – барчамизнинг муқаддас бурчимиз.

Феврал ойида Ўзбекистон Республикаси Мудоффа доктринаси қабул қилинди (03.02). Тошкентда Германия машинасозлик корхоналари иттифоқи (VDMA) Ўрта Осиёдаги бюросининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди (09.02). Афғон уруши ногиронлари республика хайрия жамғармаси рўйхатдан ўтказилди (24.02).

Мартда Банклар ассоциациясининг янги Банклараро молиявий хизмат маркази биноси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг янги биноси фойдаланишга топширилди (20.03). Оролнинг жанубий соҳилида ишлаётган Қорақалпоғистон – Австралия археология экспедицияси кум остида қолиб кетган қадимий шаҳар – Оқшахан қалъани аниқлагани расман маълум этилди (24.03). Тошкентда Халқаро бизнес марказ иш бошлади (31.03). «Совластитал» Ўзбекистон – Италия қўшма корхонаси халқаро савдо «Лидерлар клуби» томонидан юксак мукофот – «Энг яхши савдо маркази – янги минг йиллик соврини» – олтин соврин билан тақдирланди.

Ўзбекистон ҳудудиди Менделеев даврий тизимидаги барча моддалар мавжуд, деб қўп айтаман. Аммо даврий тизимдаги моддаларнинг ҳаммаси ҳам иқтисодий жиҳатдан катта аҳамият касб этавермайди. Ер ости бойлиқларининг кўпчилиги амалда ўша мамлакат тараққиёти учун асосий манбалардан бири ҳисобланади. Апрель ойида Навоий вилояти ҳудудидида бентонит гил қони топиладиган (06.04) мамлакатимиз замини нақадар бой эканига яна бир қадар амин бўлдик.

6 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда миллий ғоя ва мафкурага, маънавият ва маърифат соҳасига алоқадор зиёлилар вакилларини йиғиб, махсус йиғилиш ўтказди. У йиғилганлар олдига миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларини шакллантириш, яъни миллий мафкура концепциясини яратиш вазифасини қўйди. Ўша йилнинг охирига бориб «Ўзбекистон» нашриёти Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятининг ижодий гуруҳи томонидан тайёрланган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласини чоп этди. Китобча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг сўзбошиси билан чиқди. «Истиқлол мафкураси кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг эзгу ғоя – озода ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-интилошлари, ҳаётий идеалларини ўзида акс эттиради», – дейилади мазкур сўзбошида.

Бу жумлада миллий мафкурамизнинг бош ғояси акс этган. Рисолада ана шу бош ғояга устуни бўлиб турган қуйидаги етти асосий ғоя ҳам талқин этилган:

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



- а) Ватан равнақи;
- б) юрт тинчлиги;
- в) халқ фаровонлиги;
- г) қомил инсон;
- д) иқтисодий ҳамкорлик;
- ж) миллатлараро тотувлик;
- з) динлараро бағрикенглик (толерантлик).

Рисолада қайд этилганидек: «Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари халқимизнинг мустақил тараққиёти йўлидаги бош ғоясидан келиб чиқади ва ўзининг маъно-моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан уни халқимизнинг қалби ва онига чуқурроқ сингдиришга хизмат қилади».

Апрель ойида, шунингдек, «Урганч» аэропортининг аэровокзал мажмуаси фойдаланишга топширилди (14.04). Тошкентда Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти давлатлараро кенгаши бўлиб ўтди. Тўрт давлат бошликлари «Террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва минтақа давлатларига



Октябрь ойи хушхабар билан бошланди: ўзбекистонлик спортчи Муҳаммадқодир Абдуллаев бокс бўйича 27-ёзги Олимпиада чемпиони бўлди (01.10). Оқсаройда Сиднейдаги Олимпиада ўйинларида олтин, кумуш ва бронза медалини қўлга киритган олимпиадачиларни табриклаш маросими бўлиб ўтди (04.10). «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг «А – 310» русумли замонавий ҳаво кемаси 9 соатда Япониянинг Миязаки префектурасидан йўлга чиққан 170 сайёҳни Бухорога олиб келди (19.10). Фарғона вилоятида буюк олим ва мутафаккир Аҳмад Фарғоний хотирасига бағишланган тантанали маросимлар бўлиб ўтди (21.10). Ўзбекистон Республикаси боксини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилди (29.10). Тошкентда Ўрта Осиё мамлакатлари сув ҳўжалиги ҳодимлари малакасини оширадиган минтақа тренинг маркази очилди, Нукусда шаҳарлараро иккинчи «Жануб» автобекети ишга туширилди, Тошкентда «Амако-боулинг» Ўзбекистон – Корея қўшма корхонасининг очилиши маросими бўлди.

Буюк тарихимиз билан боғлиқ қўшалок байрамлар ўтказиш мамлакатимизда ўзига хос анъанага айланиб қолди. 16 ноябрда Марғилонда буюк фикр олими Бурхониддин Марғиновий таваллудининг 910 йиллиги нишонланди. Шу муносабат билан Марғилон шаҳри марказида Бурхониддин Марғиновий ёдгорлик мажмуаси бунёд этилиб, шу ерда унинг рамзий макбараси ўрнатилди. Эртасига Самарқандда яна бир буюк фикр олими, калом илмининг мотуридийлик оқими асосчиси Имом Абу Мансур Мотуридийнинг 1.130 йиллик юбилеи нишонланди. Самарқандда Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуаси очилди. Шаҳардаги қадимий Чоқардиза қабристини обод этилиб, Имом Мотуридий қабри узра янги макбра ростланди. Тошкент ва Самарқандда Имом Мотуридий таълимоти ва унинг ислом оламида тутган мавқеига бағишланган халқаро илмий анжуман ўтказилди.

Мавридий келгани учун бир муҳим нуқтани аниқлаштириб ўтайлик.

Шўро даврида дин ҳақида, ундаги мазҳаб, тариқат ва йўналишлар хусусида сўзлаш қайда эди. Аммо мустақилликка эришганимиздан кейин бу фақат динимизни ўрганиш учунгина эмас, ёт ғоялар, ислом қобилидаги экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолмаслик учун ҳам нихоятда зарур экани ойдинлашди.

Мазҳаб масаласи – бошқа, тариқат масаласи – бошқа, ақида масаласи – бошқа.

Исломда фикр деган илм бор. Бу ислом ҳуқуқшунослиги, яъни Куръон оятлари ва ҳадисларни талқин қилиш орқали ислом шариатини шакллантирадиган соҳа ҳисобланади. Аммо ислом ҳуқуқшунослигини, фақат юриспруденциядангина иборат, деб тушунмаслик керак. Унда диннинг кўпдан-кўп масалалари қоидалаштирилади. Фикрда биз Имом Аъзам мазҳабидамиз. Бу мазҳабни Туронзаминга Абу Ҳафс Бакир Бухорий олиб келган. Бунинг ханафия ҳам, аҳли сунна ва жамоа мазҳаби ҳам дейишади. Бу исломдаги энг мўътадил йўналиш ҳисобланади.

Тариқат тасаввуфдаги сулуқни билдиради. Мазҳаб – кенг омма учун, тариқат эса – асосан, тасаввуф йўлига кирган хос кишилар, яъни сўфийлар учун аҳамиятли. Мамлакатимиз ҳудудидида у мустақил тариқат – кубравия, яссавия ва нақшбандия (бу аввал хожалар тариқати, кейинчалик хожалар-нақшбандия тариқати деб аталган) юзага келган ва мусулмон оламига ёйилган. Нақшбандия Ватанимиздаги энг асосий тариқат бўлиб келган...

Ноябрь ойида Ўзбекистон «Офарин» жамғармаси рўйхатдан ўтказилди (24.11). Самарқанд вилоятининг Пайриқў туманида қадимий Кўктепа шаҳри харобалари ўрнида бадавлат аёл – «Саклар маликаси» даҳмаси топилиди (29.11). ЮНЕСКО меъморий-тарихий ёдгорликлар Жаҳон мероси қўмитасининг Австралияда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистоннинг Бухоро, Шаҳрисабз шаҳарлари тарихий марказлари Жаҳон мероси рўйхатига киритилди.

Ўзбекистон – жаҳоннинг энг кўп тарихий-меъморий ёдгорликларга эга мамлакатларидан бири. Истиқлол бунинг дунёга баралла айтиш, кўрсатиш учун кенг имкон яратди. Сайёҳлик ҳам мамлакатимизнинг энг асосий иқтисодий йўналишларидан бирига айланиши – муқаррар.

Декабрда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Камолиддин Бехзод таваллудининг 545 йиллиги кенг нишонланди, шу йили Ўзбекистон давлат филармонияси негизда Муҳиддин Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадийи жамоалар дирекцияси ташкил топди.

2000 йил ҳам асрга, ҳам минг йилликка яқун ясади. Шу билан бирга, у Ўзбекистон тарихига келажакка муносиб пойдевор қўйилган йил сифатида ҳам кирди.

Олим МАҲМУДОВ
(Келгуси сонда 2001 йил воқеалари тафсилоти билан танишасиз).



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

Меҳнат — давлат ва шуҳрат негизи.

Кўпчилик бола тарбияси деганда унинг моддий эҳтиёжларини қондиришни тушунади, аслида маънавий-ахлоқий тарбия биринчи ўринда туради.

Инсонни ҳеч нарса ўзичалик қийнамайди.

Осон эришилган шуҳрат осон унутилади.

Арзон алдаб қўяди.

Бировни тушуниш осон, қўллаш қийин.

Узилган дўстлик ипи ўрта-сида доимо тугун қолади.

Ҳаддини билмагани ҳаётнинг ўзи ўрнига қўяди.

Муттаҳам эртага бугун айтган гапининг тескарисини айтиб тураверади.

Бир тойган тойиб кетаверади.

Хатоларинг ҳатто тушингда ҳам таъқиб этади.

Бир ёлғон иккинчисини бошлаб келади.

Молю давлат меҳру оқибатнинг ўрнига келади.

Топиш кўпинча йўқотиш эвазига бўлади.

Вақтинги қизган, нақдинги эмас.

Баъзи нарсалар бировдан сўраб юзининг сарғайтирганига арзимайди.

Йўл берганга қўл бер.

Баднафс қайга борса ўз обрўсини тўқади.

Кўзи оч бахтининг эмас, умрининг ҳам душмани.

Бахтинги сезмайдилару бахтсизлигиндан дарҳол хабар топадилар.



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

дузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 7 августда Тошкент шаҳрида 7 август куни ҳаво вақти-вақти билан ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади. Ҳарорат 5-10 метр секунд тезликда эсан шамол, 12-17 метр секундга қучайиши мумкин. Ҳарорат кечаси —23-25, кун-

шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фойз қўнайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори наст бўлади.




МУСТАҚИЛЛИК —
ЭНГ УЛУҒ,
ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

“ПОЙТАХТ” БИЗНЕС МАРКАЗИ



БУГУНГИ ҲОЛАТ

АВВАЛГИ ҲОЛАТ



СОҒЛОМ БОЛА — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Мамлакатимизда Саломатлик ҳафталиги бошланди

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган бу лойиҳа доирасида Меҳрибонлик ва Муруват уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, алоҳида эҳтиёжли оилаларнинг фарзандлари, имконияти чекланган болалар чуқур тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллат генофондини сақлаш ва яхшилаш, аҳолининг умр кўриш давомийлигини ва турмуш даражасини ошириш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун барча шарт-шароитни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Турмуш қуришдан олдинги мажбурий тиббий кўриқдан ўтказиш тизими жорий этилди, ҳудудларда она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари фаолияти самарали йўлга қўйилди. Қишлоқ жойлардаги барча ҳомиладор аёллар давлат бюджетидан зарур поливитами́нлар билан таъминланмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» миллий модели Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишнинг самарали стратегияларидан бири сифатида эътироф этилган. Ҳозир мамлакатимиздаги 92 фоиз ўғил-қизнинг вазн ва бўйга доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. Агар 2005 йилда юртимизда мутлак соғлом болалар 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 63 фоиздан ошиб, сурункали касалликларга чалинган болалар сони кескин камаймоқда.

Унни зарур микроэлементлар билан тўйинтириш, ош тизини йодлаш дастурлари самарасида аҳоли ўртасида йод таъқислиги ва туғиш ёшидаги аёллар ўртасида камқонлик касаллиги сезиларли даражада камайишига эришилмоқда.

Болаларни ўз вақтида эмлашнинг миллий тақвими ишлаб чиқилгани ва изчиллик билан амалга оширилаётгани натижасида полиомиелит, чакалоқлар қочқоли, дифтерия каби хасталикларга мамлакатимизда бутунлай барҳам берилди. Сўнгги йилларда қизамик ва қизилча деярли қайд этилмаган бўлса, охириги ўн йилда 10 ёшгача болаларда вирусли гепатитнинг «В» тури умуман рўйхатта олинмади.

«Соғлом бола — соғлом келажақ» шиори остида жорий йилнинг 5-9 август кунлари бўлиб ўтадиган наватбддаги Саломатлик ҳафталиги мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлашга қаратилган эътиборнинг яна бир амалий ифодасидир. Ҳафталик тадбирларига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги даволаш муассасаларининг энг малакали шифокорлари жалб қилинган.

«Соғлом бола — соғлом келажақ» шиори остидаги Саломатлик ҳафталиги ҳар бир ҳудудда ушшоқлик билан ташкил этилмоқда. Бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча ислохот, авваламбор, инсон манфаатларига хизмат қилаётганининг амалдаги яна бир ифодасидир.

(ЎзА)

Спорт янгиликлари

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Мухлисларга маълумки, жорий йилнинг 6-10 сентябрь кунлари футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш турнирининг Ўзбекистон — Иордания миллий терма жамоалари ўртасидаги плей-офф учрашувлари ўтказилади.

Ушбу муҳим беллашувларга тайёргарлик жараёни ҳар икки терма жамоа бошлаб юборган. Бразилияда 2014 йилда ўйштирилаётган жаҳон чемпионати йўлланмаси учун курашда Ўзбекистон миллий терма жамоаси 14 августда «Пахтакор» стадионида Туркия терма жамоаси билан назорат-ўртоқлик учрашувида куч синашади.

Жорий йилнинг куз фаслида Тошкентда 15 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида футбол бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ОЛДИДАН

Ушбу нуфузли мусобақада фақат совринли ўринларни эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси айни кунларда пойтахтимизда ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этмоқда. Ўсмирлар терма жамоамизнинг бош мураббийси Темур Олимжўраев ўқув-йиғин машғулотларига 25 нафар футболчини жалб этган.

ЎСМИРЛАРИМИЗ ХИТОЙГА БОРИШАДИ

Шу йилнинг 16-24 август кунлари Хитойда ўсмирлар ўртасида II Осиё ўйинлари ўтказилади.

Бир неча эъги спорт турларини ўзда жамлаган ушбу нуфузли турнирда Ўзбекистон терма жамоаси ҳам қатнашади.

Мутахассисларнинг эътирофига қўра, мамлакатимиз спортчилари оғир атлетика, каратэ, қилич-бозлик, шахмат, кураш, бокс, муайтай баҳсларида етакчилик қилишади. Шу боис ҳам Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси машғулотларга жиддий эътибор қаратган.

Биз Осиё ўйинларида ёш спортчиларимизга омад тилаймиз.
Акбар Йўлдошев

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш

Йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очик тендер ўтказилади

Очик тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобидан турмуш ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин. Тендерга қўйидаги йўналишлар қўйилади:

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Ҳаракат таркиби тури
1.	26М	«Дўстлик 2-мавзеси — Чорсу савдо маркази АШБ»	Микроавтобус
2.	29М	«Уриқор мавзеси АШБ — Ўзбекфильм» бекати»	Микроавтобус
3.	65М	«Сергели улғурчи бозори — Авиасозлар АШБ»	Микроавтобус
4.	68М	«Чорсу савдо маркази АШБ — Ҳасанбой даҳаси»	Микроавтобус
5.	97М	«Авиасозлар АШБ — Юнусобод 10-даҳаси АШБ»	Микроавтобус
6.	115А	«Тош ГРЭС кўргони — Гўлбод кўчаси АШБ»	Автобус
7.	123А	«Гўлбод кўчаси АШБ — Чуқурой темир йўл станцияси»	Автобус
8.	142М	«Чорсу савдо маркази АШБ — Шифокорлар шаҳарчаси АШБ»	Микроавтобус
9.	168М	«А.Юнакий мавзеси АШБ — Чорсу савдо маркази АШБ»	Микроавтобус
10.	173М	«Тақачи» маҳалласи — Консерватория бекати»	Микроавтобус
11.	191М	«Бешкўрган» маҳалласи — Консерватория бекати»	Микроавтобус

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори талаблари асосида тендерга такроран қўйилган йўналишлар

1.	21И	«Ал-Хоразмий мавзеси — Чилонзор бўйи бозори АШБ»	Микроавтобус
2.	25М	«Сергели 7-даҳаси АШБ — Қўйлик М-1 АШБ»	Микроавтобус
3.	27А	«Чорсу савдо маркази АШБ — 42-поликлиника бекати»	Автобус
4.	30М	«Қорасув 1-мавзеси АШБ — Тошкент вокзали АШБ»	Микроавтобус
5.	90И	«Дўмбиробод АШБ — Карвон бозори бекати»	Микроавтобус
6.	98А	«Бек Тўли савдо мажмуаси — Электрокабель заводи АШБ»	Автобус
7.	101А	«Улғубек кўргони бекати — М.Юсуф кўчаси АШБ»	Автобус
8.	105М	«Авиасозлар АШБ — Қўйлик 4-5-мавзеси»	Микроавтобус
9.	133А	«Сергели-7 мавзеси АШБ — Тошкент вокзали АШБ»	Автобус
10.	141А	«Карвон бозори бекати — Ойбой бозори бекати»	Автобус
11.	145А	«Уртаовул кўргони — Қўйлик М2 АШБ»	Автобус
12.	149А	«Юнусобод 6-даҳа АШБ — Қорасув-1 мавзеси АШБ»	Автобус
13.	150А	«Юнусобод 19-даҳаси АШБ — Фарход бозори бекати»	Автобус
14.	155М	«Истироҳат мавзеси АШБ — Чилонзор 25-даҳа АШБ»	Микроавтобус

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади. Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ЧОАКБ «InfIn BANK»даги 20210000504197971001 х/р (банк коди 01041, ИНН 204094453, ХХТЎТ 51600) га 118 минг 900 сўм ўтказилади.

Тендер тақдирларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17 00 да) тўхтатилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. **Маълумот учун телефон рақами:** 233-89-58

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ

бошланғич баҳоси босқичида-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Ўртачирчиқ тумани СИБ томонидан 12.11.2010 й. № 20963/4-сонли ижро ҳужжати асосан 1997 й. и.ч. «Нексия» д.р. 11 W 0573. Бошланғич баҳоси — 14 267 100 сўм. 2. Ўртачирчиқ тумани СИБ томонидан 12.11.2010 й. № 20963/4-сонли ижро ҳужжати асосан 1976 й. и.ч. «Ваз-2103» д.р. 10 V 382 СА. Бошланғич баҳоси — 1 198 000 сўм. Ўртачирчиқ тумани ИИБга қарашли жарима майдонида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 19 август кунли соат 11:00 да бўлиб ўтади. 3. Ангрен шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжати асосан аралаштирувчи бак. Бошланғич баҳоси — 10 943 365 сўм. 4. Ангрен шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжати асосан ускунанинг қўйи қисми. Бошланғич баҳоси — 863 617 550 сўм. 5. Ангрен шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжати асосан хом ашёни узатиш учун машина. Бошланғич баҳоси — 280 296 924 сўм. 6. Ангрен шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжати асосан насос. Бошланғич баҳоси — 7 101 545 сўм. 7. Ангрен шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжати асосан автоқавқош ишлари учун машина. Бошланғич баҳоси — 104 776 896 сўм. 8. Ангрен шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжати асосан «Автомат насос станцияси». Бошланғич баҳоси — 41 212 246 сўм. 9. Ангрен шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжати асосан элеватор. Бошланғич баҳоси — 189 389 814 сўм. 10. Ангрен шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжати асосан қайишли транспортёр. Бошланғич баҳоси — 71 942 877 сўм. 11. Ангрен шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжати асосан ҳаво компрессори. Бошланғич баҳоси — 7 345 248 сўм. 12. Ангрен шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжати асосан тақсимловчи цилиндр қисми. Бошланғич баҳоси — 7 325 069 сўм. 13. Ангрен шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжати асосан қирқиш тизими. Бошланғич баҳоси — 26 776 318 сўм. 14. Ангрен шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжати асосан технологик линия. Бошланғич баҳоси — 878 137 436 сўм. 15. Ангрен шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжати асосан биттали кўтаргич. Бошланғич баҳоси — 57 883 414 сўм. Ангрен шаҳар Нуробод кўргонида жойлашган «Stroymax Invest» МЧЖ корхонасида сақланмоқда. 16. Ўртачирчиқ тумани СИБ томонидан 08.11.2012 й. № 6772/2-сонли ижро ҳужжати асосан 2011 й. и.ч. «Нексия Донс 2» д.р. 01 О 383 НА. Бошланғич баҳоси — 31 000 000 сўм. 17. Ўртачирчиқ тумани СИБ томонидан 28.02.2012 й. № 1125-сонли ижро ҳужжати асосан 1988 й. и.ч. «Ваз 2106» д.р. 01 Т 125 JA. Бошланғич баҳоси — 2 313 191 сўм. Ўртачирчиқ тумани ИИБга қарашли жа-

рима майдонида сақланмоқда. 18. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 17.07.2013 й. № 7004-сонли ижро ҳужжати асосан 2007 й. и.ч. «Ваз-21070-120-20» д.р. 10 Q 937 FA. Бошланғич баҳоси — 13 567 000 сўм. «Бекобод Савдо» МЧЖ омборида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 3 сентябрь кунли соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мулклар билан тегилли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларида ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунли қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагиди бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси ва мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси ва мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «SPARETRA» МЧЖнинг «Ипотeka банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020 8000 0048 8730 5001, МФО: 00425, СТИР: 301 829 604. Аукцион қолиби сотиб олган автотранспорт воситаси ва мулк қийматини 5 банк кунли мобайнида тўлалигига тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55.

Хизматлар лицензияланган

«КО»СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

Савдога Олмазор тумани СИБ томонидан, ФИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2010 йил 10 декабрдаги 1-7933/10-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, А.Ҳидоят кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 89,00 кв.м., яшаш майдони 65,57 кв.м бўлган 4 хонадан иборат 97-уй қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 35 812 869 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 12 сентябрь кунли соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегилли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 10 сентябрь кунли соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, ИНН: 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақоғиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. Расмий сайт: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

Ўзбекистон Республикаси

Давлат рақобат қўмитасининг 2013 йил 19 июлдаги 10к-Пол-сонли ва 24 июлдаги 10к-Пол-сонли буйруқларига асосан Республика иختисослаштирилган кўз микрохирургияси Маркази (РИКММ) (ИНН 200541105) очик акциядорлик жамияти (ОАЖ) «Республика иختисослаштирилган кўз микрохирургияси Маркази» (ОАЖ) «РИКММ» собик РИКММнинг ҳамма ҳуқуқларини ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Телефон: 217-49-34.

Билдириш

1. «Тошкент оқшоми» газетасининг 2013 йил 3 июль кунги 130-сонига хабар қилинган Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Саида Зуннунова (собик Киев 2-тор кўчаси) кўчаси, 2-уйда жойлашган турар жой биноси аукцион савдосига Юнусобод тумани Суд ижрочилари бўлимининг 2013 йил 26 июль кунги хатига асосан тўхтатилди.

«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.

ТУЗАТИШ:

«Кўп тармоқли кўчмас мулк савдо» МЧЖ шунинг маълум қиладики «Тошкент оқшоми» газетасининг 30.07.2013 йилдаги №149-сонига эълон берилган Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан сўзлари ўрнига Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан деб ўқилсин.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59

Хурматли юрдошлар!

«Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш акциядорлик жамияти Сизларга Кисловодск (Россия) ва Ялта (Украина) шаҳарларида жойлашган «Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш сихатдохларида табиат қўйнида ҳордик қариқариб, соғлигингизни тиклаб олишни тақлиф қилади.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., С. Азимов кўчаси, 65-уй.

Телефонлар: 233-55-18, 232-67-13, 233-64-92.

Хизматлар лицензияланган

Тошкент шаҳри, Чилонзор туманидаги 183-умумтаълим мактаби томонидан 2007 йилда Аннаева Елена Ивановнага берилган №2893935 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидаги 327-сонли умумтаълим мактаби томонидан 2003 йилда Ҳажанов Шухрат Азимжоновичга берилган №1429675 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидаги 327-сонли умумтаълим мактаби томонидан 2005 йилда Курбанов Абдусаттор Абдуллаевичга берилган №1543765 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 841

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
9030 нусхада босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилев
Босишга топширилди: 14.15

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акматали АҚРОМОВ

Топириш вақти: 13.00